

Ота-онага юмшоқ гапириш



13:35 / 01.12.2025 1422

نَمُّ الْإِهَارِ أَلْ أَبُونُ ذُتْبَصَّافٌ تَدَجَّ نَلَا عَمُّ تُنُكُ: لَأَقِ سَائِي مَنُوبَةَ لَسِي طَنْعَ
نَمِّ وَهَذَا تَسِيْلُ لَأَقِ. أَدَكَ وَ أَدَكَ: تُلُقُ؟ يَهْ أَمَ: لَأَقِ، رَمُعُ نَبَالِ كَلْدُ تَرَكَ دَفِ رِيَّ أَبِ كَلِ
فُدَقَوْ، فَحَزَلَا نَمُّ رَارْفَلَاوِ، مَسَنُ لُتَقَوْ، هَلْ لِبَابُ كَارِشِ إِيْلَا: عُسْتٌ نُهُ، رِيَّ أَبِ كَلِ
رُخَسَتِ سَيِي دِلَاوِ، دِجَسَمُ لَأِي فُدَاخِلَاوِ، مَيِي تَيِي لَلِ لَأَمُ لُكَاوِ، أَبِرْلَا لُكَاوِ، نَصْحُ مَلِ
لُخَدَتِ نَأُ بَحْتِ وَرَانِ لَأَمُ قُرْفَتَا: رَمُعُ نَبَا يَلِ لَأَقِ، قُوقُغَلَا نَمُّ نِي دِلَاوِ لَأَأَكْبَوِ
أَهْلَ تَنْ لَأَوْلِهِ لَلِ أَوْفِ: لَأَقِ. يِي مَأِي دِنِعُ: تُلُقُ؟ كَلِ دِلَاوِ يَحَا: لَأَقِ، هَلْ لَأَوِي: تُلُقُ؟ نَجَلِ
رِيَّ أَبِ كَلِ تَبَنَتِ جَا أَمَّ نَجَلِ لَأَخَدَتِ لَمَاعَطَلَا أَهْتَمَّ طَاوِ، مَالِ كَلِ

Тойсала Ибн Майёсдан ривоят қилинади:

«Нажданинг одамлари билан бирга эдим. Ўшанда бир қанча гуноҳлар қилдим. Ўзимча мазкур гуноҳларни гуноҳи кабиралардан деб билардим. Шуни Ибн Умарга айтдим.

«Улар нималар?» деди у.

«Бундай, бундай», дедим.

«Бу нарсалар гуноҳи кабира эмас. Улар (кабиралар) тўққизта: Аллоҳга ширк келтириш, одам ўлдириш, жанг пайтида душмандан қочиш, покиза аёлни зинода айблаш, рибохўрлик қилиш, етимнинг молини ейиш, масжидда диндан чиқиш, одамларни масхара қилиш, боласи оқ бўлган ота-онанинг бундан йиғлаши, - деб туриб, Ибн Умар менга: - Сен дўзахдан қўрқасанми, жаннатга киришни хоҳлайсанми?» деди.

«Аллоҳга қасамки, шундай», дедим.

«Ота-онанг тирикми?» деди.

«Онам бор», дедим.

«Аллоҳга қасамки, агар онангга юмшоқсўз бўлсанг ва унга таом берсанг ҳамда гуноҳи кабираларни қилмаган бўлсанг, албатта жаннатга кирасан», деди».

Шарҳ: Демак, Аллоҳга ширк келтиришдек, бировни ўлдиришдек улкан гуноҳларнинг қаторига ота-онага оқ бўлиш ҳам қўшилган экан. Ота-онага оқ бўлиш жуда катта гуноҳ ҳисобланади.

Бу ривоятда ота-онага оқ бўлиш, уларнинг назаридан қолиш қанчалик улуф гуноҳ эканини таъкидлаш билан бирга, ота-онага юмшоқсўз бўлиш, уларга таом тутиш, уларнинг хизматида бўлиш бандани дўзахга киришдан сақлаб, унинг жаннатга киришига сабаб бўладиган амаллардан экани таъкидланмоқда.

Бу ривоятда асосан гуноҳи кабира ҳақида сўз боргани учун, уламоларимиз уни қандай таърифлаганларини билиб олсак, яхши бўлади.

Кўпчилик уламолар: «Гуноҳи кабира - бу дунёда ҳадд жазосига лойиқ, яъни шариатда жазоси белгилаб қўйилган гуноҳ ёки охиратда дўзахга киришга, лаънатга ва ғазабга сазовор қиладиган гуноҳлардир», деганлар.

Ушбу ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Илми етишмайдиган киши ўзининг хаёлига келган ҳукм билан кифояланиб юрмасдан, олим одамдан сўраши лозимлиги.

нарсадан бош тортма» деганидир».

Шарҳ: Ровийнинг оталари Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳу Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Исро сурасидаги оятни тафсир қилиб, ота-онанг айтган ишдан бош тортма, улар нимани яхши кўраман деса, шуни қилиб бер, деган маънони айтган эканлар.

Аллоҳ таоло Исро сурасида:

«Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни пастлат ва «Роббим, улар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт», деган (24-оят).

Фарзанд ота-онанинг ҳузурида ўзини қанчалик хокисор тутса, шунчалик яхши. У ўз раҳматини хокисорлик ила ота-онасига пастлатиб, пояндоз қилса ҳам оз. Шу билан бирга, доимо уларга Аллоҳ таолодан раҳм-шафқат тилаб дуо қилиб туриши лозим.

Ота-онани ҳурматлаш, эъзозлаш масаласида ҳеч бир тузум ёки тарбия воситаси Исломга тенг ҳам, яқин ҳам кела олмайди. Ота-онанинг ҳурмати, фарзанд устидаги ҳаққи тўғрисидаги оятлар, ҳадислар, исломий ҳикматлар, мусулмонлар ҳаётидаги тажрибалар дунё тарихида бу борадаги мисли кўрилмаган олиймақом нарсалар экани маълум ва машҳурдир.

Ҳофиз Абу Бакр Баззор Бурайдадан, у киши ўз оталаридан қилган ривоятда қуйидагилар келтирилади:

«Бир одам зиёратда онасини кўтариб юриб тавоф қилдираётган экан. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Онамнинг ҳаққини адо қилдимми?» деб сўрабди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ, бир оҳ тортишининг ҳаққини ҳам адо қилганинг йўқ», деган эканлар.

«Одоблар хазинаси» китоби 1-жуз

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 4380-сонли хулосаси асосида тайёрланди.